

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1110>

NATIONAL CHARACTERISTICS OF THE CONCEPT OF "MONEY" IN THE VIEW OF THE FRENCH LANGUAGE WORLD

Худаярова Ленинза Аминбаевна,
Ўзбекистон Миллий Университетининг
1 курс магистранти
x.mirzabek@mail.ru
+998 97 731 24 08

Аннотация. Мазкур мақолада «пул» тушунчасининг лингвомаданий хусусиятлари, айрим жaxon этнопсихологларнинг француз халкининг молиявий хаётга бўлган муносабати хақидаги фикрлари, миллий маданияти акс этган.

Калит сўзлар: лингвомаданий, этнопсихолог, лисоний, кинематик, маданият.

Аннотация. В данной статье отражены лингвокультурные особенности понятия «деньги», взгляды некоторых современных этнопсихологов на отношение французского народа к финансовой жизни, национальной культуре.

Ключевые слова: лингвокультурный, этнопсихологический, лингвистический, кинематографический, культурный.

Abstract. This article reflects the linguistic and cultural features of the concept of «money», the views of some modern ethnopsychologists on the attitude of the French people to financial life, national culture.

Keywords: linguocultural, ethnopsychological, linguistic, cinematic, cultural.



Маълумки, Францияда юқори жамиятга нафақат аристократлар ва бой буржуа, балки йирик давлат амалдорлари ҳам тегишлидир. Умуман олганда, кўпчилик Европа мамлакатларида давлатга сидқидилдан хизматда бўлиш, ҳурматга сазовор ва молиявий барқарорлик кафолати белгисидир. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқнинг ўз хос сўзлари, урф-одатлари, анъаналари бор.

Этнопсихологларнинг фикрига кўра французлар, америкаликлардан фарқли ўларок ҳеч қачон пулни улуғламаганлар улар моддий ҳаётга унчалик ҳавас қилмаганлар. Чунки французлар маданиятида пулга қизиқиш бўлмаган. Бироқ, аксарият французлар назарида ҳаётдаги муваффақият муаммоси шунчалик осон бўлиб туюлади, уларнинг фақат учдан бир қисми муваффақиятга интилиш ва эпчиллик натижаси деб ишонишади. Французларнинг деярли ярми бойлик орттирганларга ишонишмайди. Шу сабабли, француз миллионерлари кўпинча телевизор экранларида ва машҳур журналларнинг муқоваларида пайдо бўлишдан қочишади. [3] Маълумотларга қараганда, қисман француз ишбилармонлари америкалик ҳамкасбларига қараганда анча сирли муҳитда ишлашлари билан изоҳлаш мумкин.

Г.Д. Гачева, Д.С. Лихачев, П. Морелларнинг тадқиқотларида, дунё қиёфасини миллий даражада аниқлашга эътибор берилган. Француз семантикасида «кинематик ғоялар» тадқиқот ишларида илгари (лотинча «мотус» - ҳаракат, яъни «мотор») сурилган. [1] Франциянинг миллий қиёфаси ҳаракат ва динамикага боғлиқ бўлиб, французлар омманинг олдида диққатни жалб қилишни, яхши таассурот қолдиришни истайди. Бунга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин: французча «être» (бўлмоқ) ва «paraître» (туюлиши) феъллари бир хил «ўзини кўрсатиш учун» келиб чиққан. Маълумотларга кўра французлар ўзларининг қироли Людовик XIV ни «Қуёш қироли» дейишган ва Франция Людовик XIVни, давлат арбоблари, Уйғониш даври, Голлар ва ҳатто Ширак даврларидаги шахслар ҳамиша порлаб турган самовий танага ўхшатишган.



«La force» (куч, матонат, ирода) тушунчаси бошқалар билан бир хил даражада катта бўлган тушунчадир: «la gloire» (шон-шараф) ва «la patrie» (ватан). Шунини эътиборга олиш керакки, бу исмлар фақат француз этнопсихологларининг фикрига кўра, бу миллатнинг чексиз энергия кудратини кўрсатади. Маданиятлараро алоқа тадқиқотчилари Францияни аниқ маданият маркази деб билишлари бежиз эмас, унинг мақсади фаровонлик ҳолатини яратишдир.

«Келажак» ва «ўтмиш» ўртасида пулга бўлган муносабатдаги доимий фарқлар мавжуд. Францияда моддий иш ҳақи ёки даромаднинг ҳар хил турларини (иш ҳақи, маош, мояна, қалам ҳаққи, акциядан келган даромад ва бошқаларни) англатувчи камида ўн та атама мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири маълум ижтимоий обрўга эга. Французлар, ёзувчининг хизмат ҳақини хизматчининг маошидан афзал кўради, хизматчининг маоши ёзувчининг хизмат ҳақидан анча юқори бўлса ҳам.

Француз этнопсихологик фикрларга муофиқ, ишлаб чиқаришда меҳнатсеварлик ва интизом, юқори даражада ривожланган эстетик туйғу ва анъаналардан бири хисобланади. Француз «chef d'OEUVRES» - сўзма-сўз «бутун ишнинг боши» француз маданият асосий кадриятларини акс эттиради – мулк мавжудлиги, фаровонлик, қулай ҳаёт (уй, машина, дам олиш ва х.к).

Француз менталитетида бойлик, фаровонлик, муҳаббат, ҳашамат ва бахт тушунчасини бир-бирига боғлайди. Француз маданияти тарғиб қилувчиларинг онгида «севги ва пул» тушунчалари ўртасидаги муносабатлар доимий баҳс талаб қиладиган мавзудир. Кесишадиган, сўнгра ажралиб турадиган бу икки тенг эҳтирос абадий мавжуддир. Французлар «севги ва қашшоқлик ёмон турмуш қурган жуфтликларни шакллантиради», шунинг учун «севги мўъжизага, пул эса турмушга» олиб боради деб тушунади.

Юқоридаги фикрларга кўра, французлар, севги ва пул бугунги кунда ҳам турли ҳилдаги шахсларга тегишли, деган хулосага келишди. Агар жуфтлик орасида ишончсизлик юзага келса, севги товар вазифасини



ўтамайди. Бунинг натижасида пул қиймат ўлчови, тўлов воситаси ва муомаласи воситаси бўлиб хизмат қиладиган товарга айланишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чунки муомала воситасининг атрофидагина ҳамма нарса айланади.

Французларнинг пулга муносабатини қуйидаги идиоматик бирлик орқали англаш мумкин, «Economie vaut profit» ўзбек тилида иқтисод фойда қийматига тенг деган маънони англатади.

Юқоридаги ижтимоий-маданий манбаларни таҳлил қилиб, биз французларнинг миллий характерининг ўзига хослиги шундан иборатки, пул француз лингвокултурал жамоасига хос бўлган маданиятнинг муҳим таркибий қисми эканлигида намоён бўлади ва биз ўзаро боғлиқликни тахмин қилишимиз мумкин. Француз тилида сўзлашадиган жамоаларнинг маданий онгига хос бўлган «пул» тушунчаси ва «фаровонлик», «муваффақият», «севги», «бахт», «фаровонлик» тушунчалари барқарорликда, хавотирда ва жиддий қарама-қаршилиқларга ёрдам беради. Бироқ, Э. Островская ўз тадқиқотларида таъкидлаганидек, французларнинг миллий характерининг баъзи хусусиятлари вақт ўтиши билан маълум ўзгаришларга дуч келди. Масалан: «Бойлик, пул – шайтоннинг тимсоли сифатида, бойликка эга бўлган одамга эса ёмон, инсофсиз одам сифатида қаралади» [2].

Шундай қилиб, баъзи этнопсихологик манбаларига биноан, француз халқлари дунёсининг лингвистик расмининг бир қисми сифатида ўрганиш тилшунослик шахсининг миллий хусусиятларини очиб беришга, миллий онг ва ўз-ўзини англаш тубига кириб боришга ёрдам беради. Замонавий глобаллашган маданиятда ишлаб чиқарувчи ва қабул қилувчи орқали битта «пул» тушунчаси турли хил анъаналари мавжуд.

Шундай қилиб, инсоннинг пулга бўлган фаол қизиқиши ҳақиқат ҳодисалари ва одамларнинг ҳаракатларини уларнинг ахлоқий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолашни ўз ичига олган кадриятлар ҳақидаги ғояларда ифодаланади.



Лингвокултурология мураккаб, синтезловчи соҳа бўлиб, унинг объекти тил жамоаси учун маданий аҳамиятга ега бўлган оғзаки қадриятлар бўлиб, бу қадриятларни аниқлаш учун тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш ва тавсифлаш вазифаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гачев Г. Д. Национальный образы мира. Курс лекций. М.: Изд. Центр «Академия» , 1998.-432с.
2. Осторская Е. Политическая жизнь Франции в свете выборов 2002г. // Мировая экономики и международные отношения. 2003. № 3 С.40-45.
3. Япп Н. и Сиретте М. Эти странные французы / Пер . с англ. И. Тогоев. М.: Эгмонт Россия Лтд., 1999 -72с.

